

Инвестицион фаолликни таъминлашнинг макроиқтисодий омиллари

Шахноза Элшодовна Маннапова
shakhnozamannapova85@mail.ru
Тошкент молия институти

Аннотация: Мақолада инвестицион фаолликни таъминлашнинг макроиқтисодий омиллари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни таъминлаш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар назарий-услубий жиҳатдан ўрганилган. Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш йўналишлари ва имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: кичик саноат зоналари, инвестиция дастури, инвестицион лойиха, инвестицион фаоллик, консалтинг, эмиссия, инвестицион салоҳият, инвестиция муҳити, инвестицион ресурс

Macroeconomic factors of ensuring investment activity

Shakhnoza Elshodovna Mannapova
shakhnozamannapova85@mail.ru
Tashkent Financial Institute

Abstract: The article examines processes related to macroeconomic factors of ensuring investment activity. Factors influencing the process of ensuring investment activity in small industrial zones are studied theoretically and methodologically. Directions and opportunities for eliminating factors that have a negative impact on increasing the investment activity of small industrial zones are based.

Keywords: small industrial zones, investment program, investment project, investment activity, consulting, emission, investment potential, investment environment, investment resource

КИРИШ

«Инвестиция» категорияси нисбатан илмий-назарий қарашларнинг туб мазмун-моҳияти «инвестиция» категориясининг қўп қиррали илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини асослаш учун хизмат қиласди. Инвестицион фаолиятни амалга оширишда иқтисодиёт субъектларининг фаоллиги самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли, иқтисодиёт субъектларининг етарли

инвестицион салоҳиятга эга бўлиши ва уни инвестицион фаолиятни амалга ошириш жараёнида намоён этиш лаёқати инвестицион фаолликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараёнда «инвестицион фаоллик»нинг ўрнини асослашда уни тадрижий иқтисодий ривожланиш характеристига эга эканлигини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Иқтисодий адабиётларда «инвестицион фаоллик» тушунчасига нисбатан кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилганлигини қўриш мумкин. Айтиш керакки, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва илмий қарашлар инвестицион фаоллик тушунчасига нисбатан яқдил қараш жараёни устувор аҳамият касб этмайди.

Бу борада, МДХ иқтисодчи олимларидан Т.А.Воронова ўз тадқиқотларида «Инвестицион фаоллик- бу иқтисодиёт субъектларининг мақсадли параметрларга эришиш учун ўз капитали ва жалб этилган капиталдан мақсадли фойдаланиш жараёнларидаги самарадорликни акс эттирувчи кўп қиррали иқтисодий категориядир» деб таърифлайди. Тадқиқотчи томонидан, инвестиция фаоллигини таҳлил қилишда нафақат инвестиция жараённинг ўзи, балки унинг ҳолати ва ривожланиш даражасини белгилайдиган экзоген ва эндоген омиллар мажмuinи баҳолашга имкон берадиган кўрсаткичлар ва мезонлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилади»¹.

Н.И.Климова ўз тадқиқотларида инвестицион фаолликка - «...мамлакатнинг инвестицион фаолият ҳажми, суръати, ўсиши ва самарадорлигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш салоҳияти»², деб таъриф беради.


Ж.Л.Вивиани, С.Маурел тадқиқотларига мувофиқ корхона инвестицион фаоллигини оширишда инвестиция портфелини диверсификация даражасига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолат инвестицион жараённинг юқори риск шароитида амалга оширилиши билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун хизмат қиласди³.

Юқоридагилар асосида, инвестицион фаолиятда макроиқтисодий даражада инвестицион фаоллик қуйидаги омиллар таъсири остида юзага келишини билдириш мумкин (2-расм).

¹ Воронова Т.А. Инвестиционная активность в стратегии экономического роста (методологические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М., 2004. 17 с.

² Климова Н.И. Научные основы инвестиционного обеспечения регионального развития тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.04, доктор экономических наук. Н.И.Климова.–Екатеринбург, 1999. 17 с

³ Viviani, J.L., & Maurel, C. (2019). Performance of impact investing: A value creation approach. Research in International Business and Finance, 47, 31-39.doi.org/10.1016/j.ribaf.2018.01.001 https://meiji.elsevierpure. com/en/publications/ performance-of-impact-investing-a-value-creation-approach



“Инвестицион фаоллик”нинг мазмун-моҳиятини асослашга йўналтирилган юқоридаги тадқиқотларда мамлакат ички бозор сифими, аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадларининг нисбий ўзгариш суръати, давлатнинг макроиқтисодий сиёсати каби қатор омиллар ҳисобга олинмаган. Айниқса, бу борада инвестицион фаолликка тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи ички бозор сифими ва унинг асоси ҳисобланган даромадлар даражаси инвестицион фаолликни оширишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллар қаторидан ўрин эгаллади.

Инвестицион фаоллик тушунчасига иқтисодий категория сифатида билдирилган илмий-назарий фикр-мулоҳазалар ҳамда таърифлар уларнинг умумий ҳолатда ёндашилганлиги сабабли мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятининг хусусий ҳолатда тўлиқ очиб берилмаган. Ушбу ҳолатни қуидагиларда кўриш мумкин:

- иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида инвестицион самарадорликни ошириш имкониятлари бирдек намоён бўлмайди, қолаверса ушбу жараёнда давлат иқтисодиётдаги локоматив тармоқларнинг юқори инвестицион фаоллигини таъминлайди;

- ҳудудлар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг ортиб бориши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг юксалиши учун зарур шароитларни таъминлаш, фан ва инновацион фаолият ривожланишига доир лойиҳавий инвестицион дастурларни жорий этилиши уларга истиқболли ўзгаришлар киритиш жараёнини таъқазо этади;

- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда капитал ва ишчи кучига сарф-ҳаражатларнинг бир-бирига мутаносиб равишда амалга оширилишини таъминлаш имкониятлари бирдек мавжуд эмас, айниқса ушбу ҳолат инвестицион лойиҳаларнинг қайси босқичида инвестицион фаолликни талаб этиши дифференциал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг реал ва потенциал имкониятлари аҳоли бандлигининг тармоқ ва ҳудуддий таркибини такомиллаштиришга асос яратади. Аҳоли бандлигининг интеллектуал таркибини ўсиши инвестицион фаоллик таъсирида рўй беради. Аҳоли бандлигининг ҳудуддий, тармоқ ва интеллектуал таркиби билан инвестицион фаоллик ўртасида узвий алоқадорлик, инвестицияларнинг сафарбар этилиши, ўзлаштирилиши ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатларнинг аксарият кўринишлари мамлакатимиз иктисодиётининг устувор тармоқлари: нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости бойликларини қазиб олиш, қурилиш, телекомуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш, туризм каби соҳаларни ривожлантириш жараёнларида ўз аксини топмоқда.

Фикримизча, инвестицион фаоллик - мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларни иктисодиёт тармоқ ва соҳаларига фаол жалб этиш орқали инвестицион муҳитнинг такомиллашуви ҳисбланиб, инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги макроиктисодий мутаносибликтининг юқори ва қуий чегараси орқали ифодаланади. Инвестиция ва жамғарма ўртасида мутаносибликтининг сон қиймати инвестицион фаоллик даражасини баҳолаш коэффициенти сифатида намоён бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инвестицион фаолликни оширишнинг меъёрий-хукуқий асосларини такомиллаштириш жараёнига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, инвестиция субъектларининг фаоллигини ошириш орқали инвестицияларнинг зарур даражасини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ Қонунлар ва қонуности хужжатлари қабул қилинганлигини алоҳида таъқидлаб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда инвестицион фаолликнинг меъёрий-хуқуқий асослари инвестицион фаолликнинг юқори даражасини таъминлашда саноат ишлаб чиқаришнинг тузилмавий таркибини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг ўртacha йиллик ўсиш суръатини таъминлашга қаратилингандиги билан характерланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишни, маҳсус солиқ ва тўлов режимини яратишни, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан давлат мониторинги ўтказилиши ҳудудларда инвестицион ноаниқликлар ва юқори риск шароити туфайли сотилиши юзага келган инвестиция лойиҳаларининг реал ва базис нархлари ўртасидаги тафовут қисқаради.⁴

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳудудий фарқланиш даражаси мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини яратиш, саноат ишлаб чиқаришда ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ошириш билан боғлиқ қатор ҳолатлар орқали мамлакат инвестицион фаоллигини пасайиш жараёнига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, истиқболда мамлакатимиз ҳудудларида саноат ишлаб чиқаришнинг ташкил этишни диверсификациялашув жараёнлари мутаносиблигини таъминлаш, саноатнинг муҳим тузилмалари фаолиятини қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Истиқболда мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция дастурларининг имтиёзли тузилмавий таркибини шакллантириш ва бошқарув тизимини оптималлаштиришда, рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш, хукуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартномалар тизимини жорий этиш, консалтинг, эмиссия, айирбошлиш ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида миллий стандартларини тайёрлаш жараёни инвестицион фаолликни оширишнинг мақсадли қўрсаткичларига эришишни таъминлаш учун хизмат қиласи.

Юқорида кўриб ўтилганлар асосида айтиш мумкинки, инвестиция фаолияти - мамлакат (ҳудуд) иқтисодиёти ривожланиш дастурлари ёки инвестиция лойиҳасида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва ушбу фаолият ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун жадал иқтисодий-ижтимоий ривожланиш учун йўналтирилиши кўзда тутилган молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш

⁴Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолиятитўғрисида»ги Конуни 20-модда.

билин боғлиқ бўлган яхлит муносабатлар тизимиdir.

Инвестиция фаолияти бугунги кунда янгича илмий-назарий қараашларни, фикр ва мулоҳазаларни келтириб чиқармоқда. Бунга асосий сабаб бозор муносабатларининг глобаллашуви билан боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, мазкур фаолиятнинг меъёрий-ҳукуқий асосларини ҳам доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

ХУЛОСА

1. Мамлакатда инвестиция муҳити ва унинг ривожланиш шарт-шароитлари билан боғлиқ жараёнлар инвестицион фаолликни оширишнинг асосий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни ошириш йўналишларини тадқиқ этишнинг ташкилий-иктисодий, меъёрий-ҳукуқий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кичик саноат зоналари инвестицион фаоллигини ошириш жараёнини тадқиқ этишдан олдин дастлаб шакллантириш жараёни «инвестицион фаоллик» категорияси таърифини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

2. «Инвестицион фаоллик» тушунчасига нисбатан хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб таърифлар берилганлигини асослаш ўринли. Аммо, ушбу жараённинг баҳоловчи характер касб этишини ҳисобга олганда хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг фикри ўртасида кескин фарқланиш жараёни юзага келади.

3. Инвестицион фаолликнинг моҳияти ва меъёрий-ҳукуқий асослари, инвестицион фаолликни оширишнинг шарт-шароитлари ва омиллари, инвестицион фаолликни оширишнинг хориж тажрибалари ва улардан фойдаланиш йўлларини ҳисобга «инвестицион фаоллик» категориясига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Таърифга мувофиқ, «инвестицион фаоллик» - мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларни иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига фаол жалб этиш орқали инвестицион муҳитнинг такомиллашуви ҳисбланиб, инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги макроиктисодий мутаносибликтининг юқори ва қуий чегараси орқали ифодаланади. Инвестиция ва жамғарма ўртасида мутаносибликтининг сон қиймати инвестицион фаоллик даражасини баҳолаш коэффициенти сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Воронова Т.А. Инвестиционная активность в стратегии экономического роста (методологические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М., 2004. 17 с.

2. Климова Н.И. Научные основы инвестиционного обеспечения регионального развития тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.04,

доктор экономических наук. Н.И.Климова.-Екатеринбург, 1999. 17 с

3. Viviani, J.L., & Maurel, C. (2019). Performance of impact investing: A value creation approach. *Research in International Business and Finance*, 47, 31-39.doi.org/10.1016/j.ribaf.2018.01.001 <https://meiji.elsevierpure.com/en/publications/ performance-of-impact-investing-a-value-creation-approach>

4. Sh.Mannapova. Classification of factors for increasing the investment activity of small industrial zones. *American journal of research in humanities and social sciences*. March 2023,ISSN:2832-8019

5. Allayarov, S. A. (2020). Strengthening tax discipline in the tax security system: Features and current problems. *South Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(11), 124-128.

6. Allayarov, S., Allayarov, S., Yuldasheva, U., & Madjidov, N. (2020). Assessment of the effectiveness of the results of the fiscal policy of the republic of Uzbekistan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(7), 7920-7926.

7. Сатторов, Б. К., & Аллаяров, С. Р. (2017). Развитие экономики Узбекистана в условиях мировых интеграционных процессов. *Наука, техника и образование*, 1(5 (35)), 98-100.

8. Аллаяров, С. Р., & Кандахарова, Ш. Н. (2021). ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ В УПРАВЛЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ФИНАНСАМИ. *СТОЛИЦА НАУКИ*, 3, 4.

9. Аллаяров, С. (2022). К ВОПРОСУ РЕАЛИЗАЦИИ ОПТИМИЗИРОВАННОЙ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ ПРИ СТИМУЛИРОВАНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА. *Архив научных исследований*, 2(1).

10. Anvarov, N. M. O. G. L., & Allayarov, S. R. (2022). Mahalliy byudjetlarni qo 'shimcha manbalardan foydalanishning umumnazariy asoslari. *Science and Education*, 3(2), 1519-1527.

11. O'G'Li, D. G. A., & Allayarov, S. R. (2022). Respublika va mahalliy byudjetlar moliyaviy barqarorligini ta'minlashning ustuvor yo 'nalishlari. *Science and Education*, 3(2), 1565-1573.

12. Allayarov, S. (2018). Theoretical Study of Optimal Fiscal and Monetary Policies for Stimulating Economic Growth. *Research Journal of Finance and Accounting*, 9(8), 206-212.

13. Аллаяров, С. Р., Мардонов, Ш. Х., & Абдурахимова, Г. М. (2020). РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ И ЦЕЛЕОРИЕНТИРОВАННЫЙ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ. *Экономика и социум*, (4), 138-147.

14. Аллаяров, С. Р., & Зайнитдинов, С. М. Ў. (2021). Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таснифи. *Science and Education*, 2(11), 1156-1169.
15. Allayarov, S. R., & Ro'Ziyev, U. J. (2023). Byudjet tashkilotlari faoliyati ustidan moliyaviy nazoratni amalga oshirish istiqbollari. *Science and Education*, 4(5), 1385-1392.
16. Tashmatova, N. R. Q., & Allayarov, S. R. (2022). Islomiy moliya tizimida islom moliya instrumentlari (muzoraba va mushoraka) va ularni qo'llash. *Science and Education*, 3(12), 997-1006.
17. Jiyanova, N., Tashmatova, R., Afsona, S. K. S., Allayarov, S., & Abdurashidova, M. (2023). Topical issues of increasing the role of economic ratings and indices in economic stability. In E3S Web of Conferences (Vol. 402, p. 13028). EDP Sciences.
18. Allayarov, S. R. (2014). Systemal understanding the insight, tasks and factors of economic growth. *Journal of Management Value & Ethics* (A quarterly Publication of GMA), Oct.-Dec, 20, 56-65.
19. Пўлатова, С. В. К., & Аллаяров, С. Р. (2023). Валюта курси сиёсатининг замонавий молия-валюта тизими ва иқтисодий ўсишга таъсири. *Science and Education*, 4(1), 971-978.
20. Sotvoldiyev, A. I., & Xidirov, N. G. (2022). Dinamik modellarni iqtisodiyotda qo'llanilishi. *Science and Education*, 3(3), 1128-1137.
21. Хидиров, Н. Ф. (2022). Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришдаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. *Science and Education*, 3(4), 1834-1840.
22. Khidirov, N. G. (2020). Methods and mechanisms of financing investment activities in industrial enterprises. *International Journal of Economics, Commerce and Management*, 8(7), 310-325.
23. Khidirov, N. (2020). Specific features of financing investment activity of industrial enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 31.
24. Khidirov, N. G. (2021). Mechanisms and methods of financing enterprise investment projects. *Journal of Economics, Finance and Management Studies*, 4(05), 475-482.
25. Lex.uz веб сайти